УЗЛУКСИЗ ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТНИНГ ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ МУТАХАССИСЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ

Л. РУСТАМОВ

В статье автор обосновывает необходимость непрерывной педагогической практики для подготовки высококвалифицированных специалистов физического воспитания.

In this article the author grounds the necessity of continuous pedagogical practice in the process of training the highly qualified professionals of physical culture.

Маълумки, шахсни тарбиялаш ниҳоятда мураккаб жараён бўлиб, қадимдан ушбу фаолиятга жамиятнинг етук кишилари жалб этилган. Мазкур ҳолат ёш авлод тарбияси, унинг ташкил этилиши мазмуни нафакат шахс камолоти, балки жамият тараккиётини белгилашда ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини англатади. Бу борада тўпланган тажрибалар ўқитиш шаклларида фойдаланиладиган ўқитиш қонуниятлари, тамойилларини ижодий қўллашда, илмий билишга доир ғоялар, назариялар, қонуниятларни амалиётга татбиқ этишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасида педагог кадрларнинг маънавий қиёфаси, ақлий салоҳияти ҳамда касбий маҳоратига нисбатан жиддий талаблар қўйилмокда. Чунончи, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов қўйидагиларни таъкидлайди: “Тарбиячи – устоз бўлиш учун,

бошқаларнинг ақл-идрокини ўстириш, маърифат зиёсидан бахраманд қилиш, ҳақиқий ватанпарвар, ҳакикий фуқаро этиб тайёрлаш учун, энг аввало, тарбиячининг ўзи ана шундай юксак талабларга жавоб бериши, ана шундай буюк фазилатларга эга бўлиши керак".

Замонавий педогог педагогик-психологик мулокот жараёнининг фаол иштирокчиси сифатида ўзида бир қатор сифатларнинг таркиб топишига эришиши зарур. Чунончи, у, энг аввало, мулоҳазали, босиқ бўлиши, вазиятни тўғри баҳолай олиши, мавжуд зиддиятларни бартараф этишнинг уддасидан чиқа олиши зарур, ўқувчилар, уларнинг ота-оналари ҳамда ҳамкасблари билан мулоқот жараёнида фикрини аниқ ва тўла баён этишига аҳамият қаратиши максадга мувофиқ. Мулоқот жараёнида сўзни салбий ҳолатлар ҳақидаги далилларни келтиришдан эмас, аксинча, ўқувчи (ёки ҳамкасби, ота-оналар) нинг муваффакиятларини эътироф этиш, уларнинг янада бойишига ишонч билдиришдан бошлаш у билан тиллаша олишга имкон беради. Мулоқот жараёнида ўқитувчининг сўзларидан суҳбатдошига нисбатан ҳайрихохлик, самимийлик, дўстона муносабат сезилиб туриши, шунингдек, имкон қадар кўтаринки кайфиятда бўлиши зарур.

Яқин ўтмишда мамлакатимизда педагог кадрлар тайёрлашнинг анчагина мукаммал тизими бўлган, лекин у кўпроқ назарий тайёргарликни таъминлашга қаратилиб, унинг катта камчиликлари ҳам мавжуд эди: у кўп жиҳатлардан миллий имкониятларимизни акс эттира олмас, аудиторияларда олинган билимларни амалиётда қўллаш, замонавий метод ва технологиялардан фойдаланиш, даврнинг устувор соҳаларига тезликда мослашиш каби масалаларда оқсоқланар эди. Шунингдек, илмий-педагогик асослари тўла ишлаб чиқилмай туриб, бир таълим тизимидан иккинчисига ўтиш ҳам юз бердики, буларнинг барчаси таълимни тубдан ислоҳ қилиш заруратини келтириб чиқарган эди. Ўзбекистон Республикасида кучли демократик ва фуқаролик жамиятининг барпо этиш йўлида кейинги йилларда амалга оширилган туб ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жамият ҳаётининг барча жабҳаларидаги янгиланишлар учун замин яратади. Бу эса ўзида юқори маънавий-аҳлоқий, касбий, мустақил ижодий фикрлаш сифаталарига эга, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маданий ислоҳотлар шароитида муваффақиятли фаолият юрита оладиган фуқароларни тарбиялаш билан боғлиқ долзарб вазифани белгилаб берди. Шу қаторда соғлом, жисмоний баркамол шахсни тарбиялаш вазифаси ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳаси шахсни жисмоний ва аҳлоқий жиҳатдан камолга етказишнинг муҳим омили ҳисобланади. Спорт иродани мустаҳкамлайди, инсонда ўз мақсадига эришишга бўлган интилишни, ғалабага бўлган ишончни, ўз ватани шуҳратини бутун жаҳон олдида юксакларга кўтарадиган ютуқлардан ғурурланиш ҳиссини тарбиялайди.

Ёшларни миллий ғоя асосида маънавий аҳлоқий тарбиялаш мазмуни жисмоний ва руҳий соғлиққа эришиш, соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлашни кўзда тутади. Ёшларда фаол ҳаётий дунёқарашни шакллантириш, аҳлоқий сифатларни, меҳр ва мурувватлилик ғояларини тарбиялашга қаратилганлик жисмоний тарбия ва спорт восита, шакл ва методларини қўллашнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоғи лозим.

Бир неча йиллар давомида 4 босқич талабалари билан олиб борилаётган 14 ҳафталик педагогик амалиёт тўғрисида методистлар билан ўтказилган суҳбатлар ҳамда педагогик амалиёт якунидаги натижалар кўрсатишича, бўлажак ўқитувчиларда педагогик фаолият юзасидан дастлабки тушунчалар шаклланаётган вақтда педагогик амалиёт якунланиб қолади, оқибатда педагогик амалиёт якунида бериладиган саволларга талабалар қийинчилик билан жавоб берадилар. Демак, 3 йил мобайнида олган назарий билимлар талабаларнинг ёдидан чиққан. Бизнинг фикримизча, бу муаммони ечиш, жисмоний тарбия ва спорт бўйича узлуксиз таълим тизимида юқори даражали мутахассисларни тайёрлаш мақсадида 3 йил давомида талабалар олаётган назарий билимларни амалиёт билан боғлаган ҳолда педагогик амалиётни олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Педагогик амалиётни олиб бориш технологиясида жисмоний маданият назарияси ва методикаси бошқарувчи фан бўлиб, 2-босқич талабаларига 3-семестрда ўтилади. Яъни талабалар педагогик амалиёт учун зарур илк назарий билимларни оладилар. Шуни назарда тутиб, биз ўқув режадаги 3 ҳафталик малакавий амалиётга ажратилган соатлардан педагогик амалиёт сифатида фойдаланишни таклиф этдик. Бунда 4-семестрдан бошлаб талабалар ўзлари бириктирилган мактабларда ҳар ҳафтада 1 кун (6 соат)дан педагогик амалиёт ўтайдилар. Мактаб ўқув режасига мослашиш мақсадида бу амалиётни 3-чорак бошидан ўтказиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Ушбу амалиётни ўташ жараёнида талабалар мактаб, ўқитувчилар жамоаси билан танишиш, мактабда жисмоний тарбия ва спортни ривожланиш ҳолати бўйича маълумот олиш, жисмоний тарбия дарслари ва синфдан ташқари ўтказиладиган жисмоний тарбия ишлари, жисмоний тарбия фани бўйича юритиладиган ҳужжатлар билан танишиш, мактабда ўтказиладиган

спорт тадбирларини уюштириш ва ўтказишда бевосита қатнашиш имконига эга бўладилар. Буларнинг бари талабаларда педагогик фаолият ҳақида бевосита тасаввур ҳосил қилиш билан бирга, университетда олган назарий ва амалий билимларни таққослаб кўриш асосида уларни қўллаш бўйича дастлабки амалий кўникмаларни шакллантиради.

Кейинги курсда, 5-6 семестрлар давомида талабалар худди шу тартибда ҳар ҳафтада 1 кун (6 соат)дан амалиёт ўтайдилар. Бу даврда амалиётчи талабалар академик лицей ва касб-ҳунар коллежларидаги жисмоний тарбия дарсларини кузатадилар, фан ўқитувчиларининг иш фаолиятлари билан яқиндан танишадилар, дарсларда ўқитувчилар ёрдамчиси сифатида иштирок этадилар, сўнгра ўзлари мустақил тарзда секин-аста дарс ўтишга киришадилар. Амалиётчи-талабалар методистлар билан амалиёт бўйича мунтазам суҳбат-мулоқотда бўлишиб, амалиётнинг ўтиши, унда олинган кўникма ва малакалар, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари юзасидан фикр-мулоҳазалар алмашишади, зарур методик ёрдам олишади.

Юқоридаги тартибда тажрибани йўлга қўйиб, яъни жисмоний тарбия ва спорт йўналиши талабаларининг педагогик амалиётни иккинчи курс (4-семестр)дан бошлаб олиб бориш давомида қуйидаги натижаларга эришиш мумкин:

- жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида олган назарий билимларни ўқув-малакавий амалиётда педагогик жараён билан таққослаш имконияти яратилади. Бу эса, ўз навбатида, талабаларда педагоглик касбига қизиқиш уйғотади;

- талабаларда жисмоний тарбия ўқитувчиси фаолиятига ижодий, танқидий қараш ва таҳлил қилиш кўникмасини шакллантириб, уларнинг олий ўқув юртида эгаллаган назарий билимларини чуқурлаштириш, бойитиш имконини яратади.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. –Т.: Ўзбекистон, 2001
2. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: Шарқ, 1997
3. Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” – Т.,1997
4. Абдуллаев А., Хонкелдиев Ш. Жисмоний тарбия назарияси ва методикаси. – Т.: ЎДЖТИ, 2005
5. Саломов Р.С. Спорт машғулотининг назарий асослари.- Т.: ЎДЖТИ, 2005
6. Маҳкамжонов К.М., Туленов Х.Б. Жисмоний тарбия назарияси ва методикаси. – Т.: ТДПУ.2001-2002.

Тошкент давлат педагогика университети,
2012 йил 18 январда қабул қилинган
(Тақризчи: п.ф.н. С.Ниёзов)